

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02./30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РИХСИХОДЖАЕВА ГУЛЧЕХРА РАШИДХОДЖАЕВНА**

**АЙЛАНМА СУВ ТАЪМИНОТИ УЧУН КОРРОЗИЯ ВА ТУЗ  
ТЎПЛАНИШИГА ҚАРШИ ИНГИБИТОРЛАР ЁРДАМИДА СУВГА  
ИШЛОВ БЕРИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рихсходжаева Гулчехра Рашидходжаевна**

Айланма сув таъминоти учун коррозия ва туз тўпланишига карши ингибиторлар ёрдамида сувга ишлов бериш.....3

**Рихсходжаева Гулчехра Рашидходжаевна**

Обработка воды для оборотного водоснабжения с использованием ингибиторов коррозии и солеотложения .....21

**Rikhsikhodjaeva Gulchekhra Rashidkhodjaevna**

Treatment of water for recycled water supply by using corrosion and scaling inhibitors .....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....43**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02./30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РИХСИХОДЖАЕВА ГУЛЧЕХРА РАШИДХОДЖАЕВНА**

**АЙЛАНМА СУВ ТАЪМИНОТИ УЧУН КОРРОЗИЯ ВА ТУЗ  
ТЎПЛАНИШИГА ҚАРШИ ИНГИБИТОРЛАР ЁРДАМИДА СУВГА  
ИШЛОВ БЕРИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.А.PhD/Т1906** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризасев Абдумалик Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Улуг Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Адизов Бобиржон Замирович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**


**Бухоро муҳандислик технологиялари институти**


Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019 К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» 12 соат 10<sup>60</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: [ionxanuz@nu.uz](mailto:ionxanuz@nu.uz)).


Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил 16 12 № 26 рақамли ресстр баённомаси)



  
**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

  
**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

  
**С.А. Абдурахимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда нефт-кимё корхоналари айланма сув таъминоти тизимларини узлуксиз ишлатиш натижасида унинг таркибида агрессив компонентларнинг ошиши иссиқлик алмашиш ускуналари ва технологик қувурларда бир қатор муаммолар пайдо бўлади, бу коррозия ва туз тўпланишидир. Технологик муҳитнинг юқори агрессивлиги ва улар таркибида эриган газлар ( $H_2S$ ,  $CO_2$  ва  $O_2$ ), механик аралашмалар, туз ионлари ( $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $Na^+$ ,  $SO_4^{2-}$ ,  $Cl^-$ ) мавжудлиги айланма сув таъминоти тизимлари ускуналарининг фаол металл коррозиясига сабаб бўлади. Буни олдини олишда коллоид барқарор ингибиторлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда айланма сув таъминоти тизимларини коррозиядан ҳимоялаш учун ингибиторлар олишда қуйидаги илмий ечимларни асослаш, жумаландан: ингибиторларни синтез қилишда керакли маҳаллий хом ашёларни танлаб олиш; айланма сув таъминоти тизими ва иссиқлик алмашинув қурилмаларида ингибиторлардан фойдаланиб эксплуатацион хусусиятларини ошириш; реагентли ишлов беришда синергетик таъсирга эга бўлган янги композицияларни ишлаб чиқариш; айланма сув таъминоти тизимида содир бўладиган коллоид-кимёвий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда коррозия қонуниятларини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий хом ашё асосида янги юқори самарали коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторлари ва уларнинг композицияларини ишлаб чиқишда муайян назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан юқори самарали ингибиторлар олиш ва уларни айланма сув таъминоти тизимларида қўллаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги 240-сон «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й. 7 февралдаги ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IX. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Айланма сув таъминотини химоя қилиш учун коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда илмий тадқиқотларни Яковлев Д.Г. (Санкт-Петербург Давлат Политехника университети, Санкт-Петербург шаҳри), Негреев Б.Ф. (Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот кимё ва фармацевтика институти), Абрамов В.С. (Қозон кимё технологиялар институти), Орехов А.П. (Москвадаги илмий-тадқиқот кимё ва фармацевтика институти), Гудин Н.В. (Қозон давлат технологик университети), Князев Б.И. (Н.И. Лобачев номидаги Миллий тадқиқот Нижний Новгород давлат университети), Дриккер Б.Н. (Урал давлат ўрмон муҳандислик университети, Екатеринбург шаҳри) ва бошқалар олиб борган.

Маҳаллий хом ашё асосида айланма сув тизимлари учун коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида уларни ишлаб чиқариш ва сувни тозалаш иншоотларида қўллаш технологиялари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, амалга ошириш босқичида бўлган туз тўпланиш ва коррозияга қарши ингибиторлари ёрдамида айланма сув тизимларини химоя қилиш жараёнини такомиллаштиришнинг бир қатор ноанъанавий усуллари таклиф этилган.

Бироқ, нефт-кимё саноати айланма сув таъминотида ҳосил бўладиган тузларнинг индивидуал таркибини ўрганиш, маҳаллий хом ашё асосида коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторлар ва уларнинг композициясини олиш керак. Бу жиҳатдан В.П. Гуро, Б.Н. Хамидов ва У.К. Ахмедов, И.Д. Эшметовларнинг (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти) ишларида асосан Ўзбекистон кимё саноатининг чиқиндилари ёки иккиламчи ресурсларидан фойдаланилган Импорт аналогларидан фарқли ўлароқ, бу ингибиторлар арзон, захарли эмас ва нефт-кимё саноати айланма сув тизимларини химоя қилишда кам сарфланади. Нефт-кимё саноатининг айланма сув тизимларида ишлатиладиган қайта ишланадиган сувнинг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда янги коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИПП-12 «Органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари» (2017-2020 йй.) ва №17-05 «Иссиқлик алмашиниш ускуналарининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг ички сув таъминоти учун туз тўпланиши ва коррозияни олдини

олиш ингибиторларини ишлаб чиқиш ва жорий етиш» (2017-2019 йй.) инновацион ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қаттиқлик тузларининг ва коррозион маҳсулотлари тўпланишини камайтириш учун айланма сув тизимларида ишлатиладиган коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитор композициясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

айланма сув тизимидаги қаттиқлик тузларнинг кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

кимё саноати чиқиндилари асосида айланма сув тизимлари учун коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторини ишлаб чиқиш;

коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитор билан сувни тайёрлаш жараёнини тадқиқ қилиш;

коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторини тайёрлаш учун маҳаллий реагентини танлаш;

маҳаллий хом ашёдан коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитор олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

нефт кимёси айланма сув тизимларини муҳофаза қилишда ингибитор олиш ва қўллаш бўйича ишлаб чиқилган технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини техник-иқтисодий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** нефтни қайта ишлаш заводларининг айланма сув тизимларидаги сув, қаттиқлик тузлари ва коррозия ҳосил қилувчи компонентлари, шунингдек, коррозия ва туз тўпланишига қарши ишлаб чиқилган ингибиторларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хом ашё асосида янги коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторни ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган янги ингибиторни айланма сув тизимларида туз тўпланиши ва коррозиядан ҳимоя қилишда тадқиқ қилиш иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Замоनावий физик, кимёвий, физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий усуллар (ИҚ ва бошқалар.) таҳлили, шунингдек олинган тажриба маълумотларини статистик қайта ишлашнинг математик усулларида фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

нефтни қайта ишлаш заводларининг айланма сув тизимларида қаттиқлик тузларининг ва коррозия маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва коллоид – кимёвий хоссалари аниқланган;

айланма сув таъминоти тизимида сув ҳаракатланишида оқим потенциали ингибирланмаган намунада ток зичлиги  $0,187 \text{ А/мм}^2$  га, ингибирланган намунада эса  $0,08 \text{ А/мм}^2$  эканлиги аниқланган;

олинган реагентда туз тўпланишини ингибирлаш бўйича қийматлари  $91,76 \%$  ва коррозиядан ҳимоя қилиш самарадорлиги бўйича  $68,71 \%$  эканлиги исботланган;

қувур деворида ҳимоя плёнка (қоплама) ҳосил қилувчи туз тўпланиши ва коррозияга қарши кимё саноати чиқиндилари асосида полимерли

ингибитор ишлаб чиқилган;

нефт-кимё корхоналарининг айланма тизимларида қувурларни химоя қилишда ишлаб чиқилган ингибитордан фойдаланилганда синергетик таъсир аниқланган;

гидролизланган полиакрилонитрил ва карбамиднинг ўзаро комплексли бирикмаси углеродли пўлат учун туз йиғилишини ва коррозияга учрашини олдини олишда ингибитор тажриба орқали самарадорлиги исботланган;

туз тўпланиши ва коррозияга қарши ингибитори билан сувни тайёрлаш жараёнининг механизмлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

металл сиртларда коррозия ва туз тўпланишини камайтирадиган коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитор яратилган;

туз тўпланиши ва коррозияга қарши ингибиторини олиш жараёнининг принципиал технологик схемаси яратилган ва ундан фойдаланишнинг методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** шундан иборатки, айланма сувнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий услубларидан фойдаланилганлиги билан, шунингдек республиканинг нефтни қайта ишлаб чиқариш соҳавий корхоналарида тадқиқот натижаларини тасдиқланганлиги билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторини олиш имконини беради. Синтез қилинган ингибитор бошқа соҳаларда ҳам химоя қилишда ишлатилиши учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида коррозия ва туз тўпланишига қарши арзон маҳаллий ингибиторини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган ингибитордан фойдаланиш айланма сув тизимлари учун сувни тозалаш харажатларини 1,6-1,8 баробар камайтиради, бу эса муҳим материал, энергия ва бошқа харажатларни тежашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитори ёрдамида айланма сув таъминоти тизимларини муҳофаза қилиш бўйича:

карбамид ва «Нитрон» толаси чиқиндиси асосида коррозия ва туз тўпланишини камайтирувчи ингибитор олиш технологияси «ФНҚИЗ» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2020 йил 12 мартдаги 03-17-5/29-сони маълумотномаси). Натижада айланма сув таъминоти тизимидаги туз тўпланиши ва коррозияни олдини олишда импорт ўрнини босувчи маҳаллий ингибиторни синтез қилиб олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМШ ингибитори ёрдамида айланма сув таъминоти тизимларини химоялаш технологияси «ФНҚИЗ» МЧЖда амалий жорий этилиши 2021-2022 йилларга истиқболли ишланмалар режаларига киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг



2020 йил 12 мартдаги 03-17-5/29-сони маълумотномаси). Натижада туз тўпланиши ва коррозияга қарши яратилган ингибитор айланма сув таъминоти тизимидаги сувга ишлов имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-техника анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Айланма сув таъминотида коррозия ва туз тўпланишига қарши коллоид сирт фаол моддаларнинг тузилиши ва физик кимёвий хоссалари»** деб номланган биринчи бобида, айланма сув таъминоти тизимлари учун ишлаб чиқарилган коррозия ва туз тўпланишига қарши сирт фаол моддаларнинг тахлили, атроф муҳитга ва нефт-кимё sanoатида ишлатиладиган жиҳозларга таъсири ҳақида дунё олимлари турли хил усулларда аниқлаганлар.

Коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторлар турлари, физик-кимёвий хоссалари ва уларни ишлатилиш соҳалари тахлили тўғрисидаги олиб борилган хорижий ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобдан ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектлари ва методлари»** деб номланган иккинчи бобида, туз тўпланиши ва коррозияга қарши самарадорлигини аниқлаш усуллари тўғрисида батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **«Саноатда сув таъминоти тизимларида қўлланиладиган туз тўпланиши ва коррозияга қарши ингибиторларнинг коллоид-кимёвий қонуниятлари асосида тахлили»** деб номланган учинчи бобида нефт-кимё корхоналари шароитида углеродли

пўлатлар коррозияланиши жараёнлари, ингибиторларнинг таъсир қилиш механизми ва металлларда коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторларни қўллаган ҳолларда химоя қатлами ҳосил бўлиши қонуниятлари таҳлили батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «Синтез қилинган коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторини кимёвий усулларда таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хом-ашёлар асосида коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори олиш жараёни ва унинг импорт қилинаётган ОЭДФК ингибиторига нисбатан самарадорлиги, коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори ИҚ спектроскопик таҳлили ҳамда коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори олишнинг технологияси берилган.

Комплекс таъсир этувчи туз тўпланиши ва коррозияга қарши ингибиторини ишлаб чиқиш давомида унинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Юқори химоя хусусиятларидан ташқари реагент технологик ва ФНҚИЗ нинг айланма сув таъминоти тизими шароитида қўлланилган.

ГПМЦ нинг физик - кимёвий ва технологик хусусиятлари ҳамда уларни суюқ ингибиторларга қўйиладиган умумлаштирилган талаблар билан таққослаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### ГПМЦ нинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари

№ т.р.	Параметрларнинг номланиши	Нефт компанияларининг умумлаштирилган талаблари	ГПМЦ параметрлари
<b>Физик – кимёвий хусусиятлари</b>			
1.	Ташқи кўриниш	Бир жинсли суюқлик, ўлчамсиз ёки лойка заррачаларсиз	Оқ рангли бир жинсли суюқлик
2	20°C даги зичлиги, г/см <sup>3</sup>	- 0,95 г/см <sup>3</sup> дан кам бўлмаган сувда эрувчан ингибиторлар учун - нефтда эрувчан учун меъёрлаштирилмайди	0,986
3	+20°C даги кинематик қовушқоклиги, мм <sup>2</sup> /с	800 мм <sup>2</sup> /сек дан кўп бўлмаган	6,8
	-40°C даги кинематик қовушқоклиги, мм <sup>2</sup> /с	800 мм <sup>2</sup> /сек дан кўп бўлмаган	132
4	Айланма ҳароратидаги иссиқлик барқарорлиги (83°C)	Чўкиш ва табақаланиш ҳажмида пайдо бўлишига рухсат этилмайди	барқарор
6	20°C даги водород кўрсаткичи (рН), ед.рН	меъёрланмаган	9,54
7	Асосий модданинг масса улуши, %	меъёрланмаган	27,7
8	20°C даги боғланмаган аминларнинг амин сони, мг HCl/г	меъёрланмаган	0,73
9	20°C даги, ФНҚИЗ айланма сув таъминоти модели билан мувофиқлиги, 83°C	Чўкма ҳажмида, табақаланиш ва гел ҳосил бўлишининг пайдо бўлишига рухсат этилмайди	мос келади

Келтирилган натижалар шуни кўрсатадики, ГИПАН ва мочевино асосида ишлаб чиқилган туз тўпланиши ва коррозияга қарши комплекс таъсир ингибитори ФНҚИЗ айланма сув таъминоти тизими модели билан мос, айланма ҳароратда барқарор ва салбий ҳароратга (минус 50°С) чидамли мақбул қовушқоқ қиймати билан бир жинсли суюқлик эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, келтирилган суюқ ингибиторларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларига нефт компанияларининг умумлаштирилган талабларига жавоб берадиган реагент аниқланган.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи шароитида коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторларининг янги тузилишини ички сув таъминоти тизимида синовлар ўтказилди. Па тизимидан фойдаланилган сувнинг кимёвий таркиби, №2 сув блоки 2- ва 3-жадвалларда кўрсатилган.

2- жадвал

**Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг сув таъминоти тизимларида ишлатиладиган сувнинг кимёвий таркиби (баҳор ва ёз ойлари)**

Номланиши	pH	Қаттиқлиги мг-экв/л	Ca <sup>++</sup> мг-экв/л	Mg <sup>++</sup> мг-экв/л	Ишқорийлиги мг-экв/л	Cl мг-л	PO <sub>4</sub> мг/л
II – сув блоки							
I- совуқ	7,95	12,08	7,8	4,28	3,99	38,31	1,38
II - совуқ	7,95	27,9	20,2	7,7	5,46	73,9	1,92
IIa тизим	7,88	27,9	20,2	7,7	5,46	73,9	1,92
III тизим	8,22	15,2	11,72	3,48	5,36	45,45	0,88
Қўшимча	8,16	12,55	9,15	3,4	5,17	42,34	1,41

3– жадвал

**Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг сув таъминоти тизимларида ишлатиладиган сувнинг кимёвий таркиби (куз ва қиш ойлари)**

Номланиши	pH	Қаттиқлиги мг-экв/л	Ca <sup>++</sup> мг- экв/л	Mg <sup>++</sup> мг- экв/л	Ишқорийлиги мг-экв/л	Cl мг-л	PO <sub>4</sub> мг/л
I – сув блоки							
I – совуқ сув	8,21	12,05	7,75	4,3	4,59	35	0,35
III - тизим	-	-	-	-	-	-	-
Ia – сув блоки							
I – тизим	8,31	13,53	11,03	2,5	5,61	38,99	0,62
II – совуқ	8,16	12,18	8,33	3,85	4,92	32,99	0,73

сув							
II – сув блоки							
I – совук сув	7,82	14,38	9,1	5,28	4,46	38,13	1,09
II – совук сув	7,82	14,38	9,1	5,28	4,46	38,13	1,09
II а – тизим	8,49	18,35	12,95	5,4	6	20,75	0,2
III – тизим	-	-	-	-	-	-	-
Қўшимча	7,54	13,1	9,68	3,42	5,56	33	1,01

Коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибиторлари ва ОЭДФК (оксиэтилидендифосфонли кислота) туз тўпланиши импорт ингибитори билан солиштириш синовлари ўтказилди. Туз тўпланиши бўйича ИСО-1 қурилмасидаги усулдан фойдаланиб коррозияланишнинг ингибирлаш даражасини аниқлаш учун гравиметрик усулдан фойдаланилди. Олинган натижалар 4-жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал

**ИСО-1 қурилмасида "ГПМЦ" ва "ОЭДФК" реагентлари ёрдамида туз тўпланишини ингибирлашнинг солиштирма самарадорлиги ва коррозиянинг ингибирлаш самарадорлиги**

Ингибитор	Ингибитор концентрацияси, мг/л	Трилон-Б Эритманинг титрланган хажми (0,025 н), мл	Электроддаги тўпланишлар миқдори, (CaCO <sub>3</sub> ), мг	Туз тўпланиш ингибирлашнинг самарадорлиги, (Э <sub>исо</sub> ), %	Коррозия тезлиги V <sub>k</sub> , г/м <sup>2</sup> ·час	Коррозиядан ҳимояланиш даражаси, %
Ингибиторсиз	-	8,5	10,625	-	-	-
ГПМЦ	20	0,8	1	90	-	-
	40	0,75	0,9375	91,17	-	-
	50	0,7	0,875	91,76	0,0000064287	68,71
ОЭДФК	20	0,6	0,75	92,94	-	-
	40	0,6	0,75	92,94	-	-
	50	0,5	0,625	94,11	0,0007720368	0

Олинган натижаларга кўра, коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитори ГПМЦ энг самарали бўлиб, туз тўпланишини ингибирлаш бўйича қийматлари 91,76 % ва коррозиядан ҳимоя қилиш самарадорлиги бўйича 68,71 % ташкил этади.

Шундай қилиб, барча ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ГПМЦ дозаси 45 мг/дм<sup>3</sup> га тенг, таянч дозаси сифатида 90% дан ортиқ ҳимоя таъсирини таъминлаши аниқланди.

ЎзР ФА УНКИ шароитида олинган коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибиторларининг сувдаги модел эритмасида туз тўпланишига қарши импорт қилинадиган ОЭДФК ингибиторига нисбатан саноат синовлари ўтказилди. Туз тўпланишига қарши ингибиторларининг самарадорлиги модел эритмалари ёрдамида аниқланди. Модел эритмалари туз эритмалари кўринишида келтирилган:  $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{NaHCO}_3$  умумий қаттиқлиги  $J_{\text{умум}}$  – 29,25 мг·экв/л. Келтирилган эритмалар иссиқлик алмашилиш ускуналари юзасида кальций ва магний карбонатлари тўпланишини, чўкма ҳосил қилиш ва туз тўпланишига олиб келади. Коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ва ОЭДФК ингибиторлари синовларининг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**Модел эритмасида термостатлаш методи бўйича ГПМЦ ва ОЭДФК реагентларининг туз тўпланиши ингибирлашнинг самарадорлиги**

Ингибитор	Ингибитор концентрацияси, мг/л	Трилон-Б эритманинг титрланган хажми (0,1 н), мл	Концентрация $\text{Ca}^{2+} + \text{Mg}^{2+}$ ( $J_{\text{умум}}$ ), мг·экв/л	Туз тўпланишининг ингибирлаш самарадорлиги, (% <sub>иссо</sub> ), %
Ингибиторсиз, термостатлашгача	–	3,9	29,25	–
Ингибиторсиз, термостатлашдан кейин	–	2	15	0
ГПМЦ	50	2,2	16,5	82,85
ОЭДФК	50	2,5	18,75	80,31

Жадвал натижалари 50 мг/л концентрацияси модел эритмаси сувда термостатлаш усули ёрдамида туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибиторлари қиёсий синовлар, уларнинг ингибирлаш самарадорлиги мос равишда 82,85% да кўрсатди ва модел эритмасига сув шу 50 мг/л концентрациясини туз тўпланишига қарши ОЭДФК импорт ингибитори кўрсаткичи ингибирлаш самарадорлиги 80,31% етди.

15; 30; 45; 50 мг/дм<sup>3</sup> концентрациялаш учун ГПМЦ нинг химоя таъсирини аниқлаш амалга оширилди.

6-жадвалда ГПМЦ композициясида кальций карбонат тўпланишларини ингибирлаш самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, концентрациянинг 15 дан 55 мг/дм<sup>3</sup> гача ортиши билан реагент самарадорлигининг аста-секин ошиши кузатилганлиги аниқланди. 45 мг/дм<sup>3</sup> дан юқори концентрацияларда ишлаб чиқилган комплекс таъсирли ингибитори химоя таъсири 90% дан ошган.

6-жадвал

**ГПМЦ нинг кальций карбонат тўпланишларини ҳосил бўлишига нисбатан химоя самараси**


№ п/п	Концентрация, мг/дм <sup>3</sup>	Химоя самараси, %
1.	15	84

2.	30	88
3.	45	91
4.	50	93
5.	55	95

Кейинги босқич ГПМЦ дан фойдаланганда зудлик билан карбонат ангидрид коррозиясининг олдини олиш самарадорлиги баҳоланди. Ўтказилган синовларда умумий ва маҳаллий коррозияни ингибирлаш самарадорлиги баҳоланди.

1-расмда турли концентрацияларда ГПМЦ дозалангандан кейин пўлатнинг коррозияланиш тезлигини камайтириш динамикаси келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, 30 мг/дм<sup>3</sup> дан паст концентрацияларда ГПМЦ 90% дан кам самарадорликни кўрсатган. Қийматини оширган сари ингибирланиш самарадорлигини 93-99% гача ошириш мумкин (7-жадвалга қаранг).



1-расм. ГПМЦ қийматини оширгандан кейин коррозия тезлигининг камайиш динамикаси

7 – жадвал

Турли концентрацияларда карбонат ангидрид коррозиясини олдини олишда ГПМЦ самарадорлиги


№ п/п	Концентрация, мг/дм <sup>3</sup>	Ҳимоя эффекти, %
1.	15	48
2.	30	83
3.	45	99
4.	50	97
5.	55	98

Бир вақтнинг ўзида камида 90% ли унумдорлик билан туз тўпланишини ва тезкор коррозияни олдини олувчи ГПМЦ нинг оптимал самарали концентрацияси 45 мг/дм<sup>3</sup> эканлиги аниқланди (2-расм).

Ишчи электроднинг тўғри ва тескари қутбланишини тадқиқот натижасида олинган ток боғлиқликлари ингибитор плёнкасининг металл сиртидаги барқарорлигини ва унинг маҳаллий коррозияни сусайтиришга


таъсирини баҳолашга имкон берувчи сифат ва миқдорий хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Ингибиторсиз ва  $45 \text{ мг/дм}^3$  ишлаб чиқилган ГПМЦ концентрацияси билан намуна учун қутбланган эгри солиштириш тадқиқот олиб борилди.



2-расм. ГПМЦ самарадорлигини баҳолаш бўйича умумлаштирилган натижалари.

Индукцияланган ток ва потенциал қийматининг баҳолаш мезонлари: юқори потенциал қийматларда индукцияланган ток қанчалик паст бўлса, маҳаллий коррозияни ингибитор шунчалик самарали бостиради.



3-расм. Ток потенциали ток зичлигига боғлиқлиги

Маҳаллий коррозияни сусайтириш туз тўпланиши ва коррозияга қарши комплекс таъсири ишлаб чиқилган ингибиторининг тадқиқотлар 3-расмда келтирилган.


Натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, потенциалнинг ошиши билан ингибиторсиз намунада ток ўсиши дарҳол бошланади. Ингибиторлар

иштирокида металл сиртидан плёнка парчаланишининг маълум бир "инкубацион даври" кузатилади. Потенциалнинг ортиши билан ингибирланмаган намунадаги ток зичлиги  $0,187 \text{ A/mm}^2$  га, ингибирланган намунада эса –  $0,08 \text{ A/mm}^2$  га етади, бу маҳаллий коррозияни бостириш учун ишлаб чиқилган реагентнинг самарадорлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, барча тадқиқотлар натижалари бўйича туз тўпланиши ва коррозиянинг ҳосил бўлишини олдини олиш нуқтаи назаридан  $45 \text{ мг/дм}^3$  миқдорида ГПМЦ оптималлиги юқори бўлди. Кейинги синовлар тўпланини ўтказишда таянч миқдори сифатида 90% дан ортиқ ҳимоя таъсирини таъминлаган ГПМЦ концентрацияси  $45 \text{ мг/дм}^3$  га тенг.

Олинган маҳсулотларнинг функционал таркибини аниқлаш учун улар кимёвий ва ИҚ-спектроскопик тадқиқот ўтказилди. Намунадаги  $1635 \text{ см}^{-1}$  ютилиш чизиқларнинг пайдо бўлиши иккиламчи амид,  $1558 \text{ см}^{-1}$  карбоксилат гуруҳларининг ва  $3336 \text{ см}^{-1}$  ютилиш чизиқларининг пайдо бўлиши углеродга боғланган гидрооксил гуруҳлари мавжудлигини кўрсатади.  $\text{CH}_2$ -гуруҳларининг валент тебранишларининг юқори интенсивлиги ( $3036 \text{ см}^{-1}$ ) уларнинг ён радикалларда кўплигини кўрсатади. Қўшбоғли углерод ва водород боғлари ютилиш чизиқлари  $1404 \text{ см}^{-1}$  да оддий ( $\text{C}=\text{C}$ ) ва  $1456 \text{ см}^{-1}$  да мураккаб ( $-\text{C}=\text{C}-$ ) ҳам топилган.

Шундай қилиб, сувда-эрувчан полимер реактиви (боғлаш даражаси 93,4%, молекуляр массаси 50580-50618) амид сақлаган, карбоксилатли, метоксилли ва нитро гуруҳлари мавжуд. Полифункционал полиэлектролитларга тегишли эканлигини потенциометрик титрлаш ва вискозиметрик натижалари кўрсатади.



4-расм. Коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори таркибининг ИҚ-спектроскопик таҳлили



Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг технологик имкониятларини таҳлил қилиш натижасида ГПМЦ маркасидаги коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибиторини олиш учун янги тажрибавий қурилмани қурмасдан, ингибитор ишлаб чиқариш блокдан фойдаланиш мумкин деган хулосага келдик. Бу эса янги коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитори маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда жорий этишни тезлаштиради.

Гидролизланган полиакрилонитрил ва карбамид асосида СФМ бирикмаси бўлган коррозия ва туз тўпланишига қарши ингибитор тури "ГПМЦ" икки босқичли метод билан олинади. Биринчи босқичда гидролизланган полиакрилонитрилнинг қўшимча маҳсулотини чиқинди полиакрилонитрил "Нитрон" толасини натрий гидроксид ишқори NaOH ни сувли эритмаси ёрдамида гидролизланади. Иккинчи босқичда гидролизланган полиакрилонитрилнинг концентрацияли эритмасини дистилланган сув билан керакли концентрацияда карбамид қўшилиб, модификацияланган комплекс бирикмали тайёр маҳсулот олинади.

Технологик жараённинг қисқача тавсифи. Технологик жараён қуйидагиларни кўзда тутган:

- хом-ашё ва реактивларни тайёрлаш
- хом-ашё ва реактивларни М-1 реакторига юклаш
- гидролизланган полиакрилонитрилнинг оралиқ маҳсулотини М-1 реакторидан, хом-ашё ва реактивларни М-2 аралаштириш аппаратида (реакторга юклаш)
- тайёр маҳсулотни идишга тўкиб ташлаш.

Коррозия ва туз тўпланишига қарши "ГПМЦ" ингибиторини тайёрлаш жараёни гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) синтези, полиакрилонитрил (ПАН) ни натрий гидроксид NaOH эритмаси билан гидролизлаш, гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) ни дистилланган сув билан аралаштириш ва карбамид билан аралаштиришдан иборат.

Хом-ашё ва реагентларни тайёрлаш. Хом-ашё ва реактивларни тайёрлаш компонентларни уларнинг сифат талабларига мувофиқлигини текшириш, керакли концентрацияли эритмаларини тайёрлаш ва уларни ўлчаш дозаторларига юклашдан иборат.

Қурилма қуйидаги жараёнлардан иборат:

- натрий гидроксид NaOH ишқори эритмасини Е-1 идишидан М-1 реакторга етказиб бериш жараёни.


- полиакрилонитрил (ПАН) толали чиқиндиларни М-1 қайнатгичга юклаш.

- гидролизланган полиакрилонитрилни (ГИПАН) М-2 реакторига юбориш М-1 → кўра Н-2 → М-2 схемаси.

- Е-2 ўлчагичдан М-2 реакторига дистилланган сув H<sub>2</sub>O ни етказиб бериш.

- Е-3 ўлчов идишидан М-2 реакторига Карбамид эритмасини етказиб бериш.

М-1 реакторга хом-ашё ва реактивларни юклаш. Хом-ашё компонентлар тегишли насослар ёрдамида хом-ашё идишлардан ўлчов идишларига ҳайдалади.



**5-расм. Туз тўпланиши ва коррозия қарши ГПМЦ ингибиторини олиш учун принципиал технологик схемаси**

Компонентлар қуйидаги тартибда ўзиоқар ўлчагичдан реакторга юборилади:

- аппаратга полиакрилонитрил (ПАН) толали чиқиндиларнинг аниқ миқдори юкланади.
- сўнгра аралаштирувчи қурилма ёқилганда қурилма E-1 ўлчаш стаканидан натрий гидроксид NaOH эритмасининг ҳисобланган миқдори юборилади.

М-1 реактордаги ҳарорат 85-90°C га М-1 қобиғига сув буғини етказиб турилади.

М-2 реакторига хом-ашё ва реактивларни юклаш. Тегишли насослар ёрдамида хом-ашё компонентлари хом-ашё идишлардан ўлчов идишларига юклатилади.

Ўлчов идишидан ўз оқими билан компонентларни реакторга қуйидаги тартибда юборилади:

- тайёрланган гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) нинг ҳисобланган миқдори H-2 насос ёрдамида М-1 реакторидан М-2 реакторига ҳайдалади.

- E-2 ўлчов идишидан ҳисобланган дистилланган сув миқдори ёқилган аралаштирувчи ускунали реакторига киради.

- сўнгра Е-3 ўлчаш идишидан карбамид эритмасининг ҳисобланган миқдори реакторга берилади.

Барча хом-ашё ва реактивларни М-1 реакторига юклагандан сўнг 4 соат давомида 85-90°C ҳароратда қайнаш жараёни бошланади. Реакцион аралашма аралаштиргич ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва реактор қобиғига (М-1) берилган буғ ёрдамида реакцион аралашманинг ҳарорати 85-90°C га келтирилади. Тегишли ҳароратга эришилганда аралаштириш 4 соат давомида амалга оширилади. Реакция давомида аммиак NH<sub>3</sub> ажралиб чиқади ва маҳсулот рангини оқдан тўқ қизилгача ва ниҳоят апельсиндан сариқ ранггача ўзгартиради. Реакцион аралашма хона ҳароратигача совитилади. Жараённинг охири 1000-1070 кг/м<sup>3</sup> зичлиги ва 1% сувли эритманинг қовушқоқлиги, ҳосил бўлган маҳсулотнинг 10-40 сп (сантипуаз) ичида ҳамда аммиакнинг ўткир ҳидининг йўқотилиши билан аниқланади.

Иккинчи босқичда реакторда (М-2) тайёрланган гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) керакли миқдорда дистилланган сув билан суюлтирилади ва аралаштирилади. (Е-3) ўлчов идишидан карбамид билан берилётган сувли эритмаси аралаштирилади.

1 соат давомида реакцион масса аралаштирилади. Карбамид аралаштириш жараёнида тўлиқ эриши керак. Олинган маҳсулот ўз ҳолатда ёрқин-сариқ очик рангли сувли гомоген эритма ҳисобланади. Олинган тадқиқотдан сўнг ТШ (рН, зичлик, қовушқоқлик) асосий талабларга жавоб берадиган, коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори идишларига куйилади.

Моддий баланс. Хом-ашёнинг сарф меъёрлари. Коррозия ва туз тўпланишига қарши "ГПМЦ" ингибиторини олиш битта тайёргарлик билан 1000 гр олиб ишлаб чиқаришга асосланган. Йўқотишлар 0,5-0,6% сифатида қабул қилинди ва шартлар охирги тайёрлов операциясига боғлиқ эди.

8-жадвал

#### Бир марта юклатилган моддий баланс

№	Кираётган	Масса, гр.
1	Полиакрилонитрил (чиқинди тола "Нитрон")	37
2	Натрий гидроксид (NaOH)	28
3	Сув	500
4	Сув аралаштириш учун	365
5	Карбамид (мочевина)	70
<b>Жами: <math>\Sigma</math> 1000</b>		

### ХУЛОСА

1. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг айланма сув таъминоти тизимининг кимёвий таркиби рН, сувнинг қаттиқлиги, сувда кальций, магний, фосфатлар миқдори, сувнинг ишқорийлиги таҳлил қилинди ҳамда коррозия ҳосил бўлишига олиб келувчи омиллар ва уларнинг коллоид – кимёвий хоссалари билан изоҳланди.

2. Маҳаллий хом ашё асосида туз тўпланиши ва коррозияга қарши комплекс таъсирли (ГПМЦ) ингибитори синтез қилинганлиги билан изоҳланади.

3. Синтез қилинган коррозия ва туз тўпланишига қарши (ГПМЦ) ва импорт қилинган ОЭДФК ингибиторлари модел эритмали сувда термостатлаш усули ёрдамида туз тўпланишига қарши қиёсий тажриба ўтказилди, уларнинг ингибирлаш самарадорлиги 50 мг/л концентрациясида ГПМЦ - 82,85% ва ОЭДФК - 80,31% га етганлигини кўрсатади.

4. ИСО-1 қурилмасида ГПМЦ ва ОЭДФК реагентлари солиштирма самарадорлиги тажрибада аниқланганда, коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори энг самарали бўлиб, туз тўпланишини ингибирлаш бўйича қийматлари 91,76 % ва коррозиядан ҳимоя қилиш самарадорлиги бўйича 68,71 % ташкил этиши билан изоҳланади.

5. Айланма сув таъминоти тизимга кейинги синов ва технологияга мослаштириш учун максимал самарадорликни кўрсатиб турувчи, коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ композицияси танланди. Туз тўпланиши ва коррозияга қарши ГПМЦ ингибиторининг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш натижаларига кўра суюқ ингибиторларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари реагенти нефт компанияларининг умумлаштирилган талабларига жавоб бериши билан изоҳланади.

6. Импорт қилинган ОЭДФК-га нисбатан коррозия ва туз тўпланишига қарши ГПМЦ ингибитори фойдаланиш самарадорлиги аниқланди. Коррозия тезлиги даражаси билан ГПМЦ учун –  $0,0000064287 \text{ г/м}^2 \cdot \text{соат}$  ва ОЭДФК –  $0,0007720368 \text{ г/м}^2 \cdot \text{соат}$  ташкил қилди, коррозияга ҳимоялаш самарадорлиги эса ГПМЦ – 68,71% га тенглигини кўрсатади.

7. Ишлаб чиқилган туз тўпланиши ва коррозияга қарши ингибиторини қўллашга асосланган «ФНҚИЗ» МЧЖ тизимидаги кальций карбонат тўпланиши ҳамда коррозияни олдини олиш технологияси ишлаб чиқилди ва саноатда амалга ошириш учун таклиф қилинди. Ишлаб чиқилган технологиянинг иқтисодий самарадорлигини таҳлили "ФНҚИЗ" МЧЖ да ингибиторни қўллаш истиқболларини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02./30.12.2019.К/Т.35.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РИХСИХОДЖАЕВА ГУЛЧЕХРА РАШИДХОДЖАЕВНА**

**ОБРАБОТКА ВОДЫ ДЛЯ ОБОРОТНОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ С  
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНГИБИТОРОВ КОРРОЗИИ И  
СОЛЕОТЛОЖЕНИЙ**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T1906.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

Ризаев Абдумалик Набиевич  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедов Улуг Каримович  
доктор химических наук, профессор

Адизов Бобиржон Замирович  
доктор технических наук

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится "29" 12 2020 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, Ташкент, Мирзо Улугбек, 77-а тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: [iopxanruz@nuu.uz](mailto:iopxanruz@nuu.uz)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрировано № 26) Адрес: 100170, Ташкент, Мирзо Улугбек, 77-а тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Автореферат диссертации разослан "16" 12 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 26 от "16" 12 2020 года).



Б.С. Закиров  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.х.н., проф

Д.С. Салиханова  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., проф

С.А. Абдурахимов  
Председатель научного семинара при  
разовом научном Совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., проф

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире постоянного использовании холодной воды в системах оборотного водоснабжения нефтехимических предприятий в результате увеличения в ее составе агрессивных компонентов возникает ряд проблем в теплообменном оборудовании и технологических трубопроводах, вызывающих коррозию и накопление соли. Высокая агрессивность технологических сред и наличие в них растворенных газов ( $H_2S$ ,  $CO_2$  и  $O_2$ ), механических примесей, ионов солей ( $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $Na^+$ ,  $SO_4^{2-}$ ,  $Cl^-$ ) вызывает активную коррозию металлов оборудования систем оборотного водоснабжения. Для предотвращения этого важно производить стабильные коллоидные ингибиторы.

На сегодняшний день при получении ингибиторов для защиты систем оборотного водоснабжения от коррозии необходимо исходить из обоснования следующих научных решений, в том, числе: подбор необходимого местного сырья при синтезе ингибиторов; повышение эксплуатационных свойств ингибиторов при использовании их в системах оборотного водоснабжения и теплообменных устройствах; получение новых композиций с синергетическим эффектом.

На сегодняшний день в Узбекистане достигнуты определенные теоретические и практические результаты в разработке новых высокоэффективных ингибиторов коррозии и солеотложения и их составов на основе местного сырья. В третьем направлении стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, намечена «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>1</sup>. В связи с этим, в том числе, получение высокоэффективных ингибиторов и их применение в системах оборотного водоснабжения имеет сегодня большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Указ Президента РУз от 30.10.2019 г. №УП-5863 «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», Закон Республики Узбекистан № 240 от 25 декабря 2009 года «О воде и водопользовании», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

соответствии приоритетного направлениям развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В мире научные исследования по разработке ингибиторов солеотложения и коррозии для защиты водооборотных систем проведены Яковлевым Д.Г. (Санкт-Петербургский Государственный Политехнический Университет, Г. Санкт-Петербург), Негреевым Б.Ф. (Всесоюзный научно-исследовательский химико - фармацевтический институт), Абрамовым Д.М. (Казанский химико-технологический институт), Ореховым А.И. (Научно-исследовательский институт химии и фармакологии в Москве), Гудиным Н.В. (Казанский Государственный Технологический Университет), Князевым Б.И. (Национальный Исследовательский Нижегородский Государственный Университет Им. Н. И. Лобачева), Дрикером Б.Н. (Уральский Государственный Лесотехнический Университет, Екатеринбург) и другими.

